

А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш тўғрисида)

2026 йил февраль ойининг 09 кунини жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья Л.Қодирқуловнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Худойқуловнинг котиблигида, Дўстлик туман прокурори ёрдамчиси Б.Норбутаев, маҳкум М.Каршибаев ва Дўстлик туман ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори М.Халиловларнинг иштирокида, Дўстлик туман ИИБ бошлиғи подполковник Ғ.Маматқуловнинг маҳкум Каршибаев Маъруф Эргашевични тайинланган жазонинг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

Маҳкум:

Каршибаев Маъруф Эргашевич - 1989 йил 06 февралда Жиззах вилояти, Дўстлик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, “Уфқдаги сарой” МЧЖда ишчи, муқаддам:

1) Жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2018 йил 28 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасига асосан 8 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2022 йил 22 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 11 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан шу муддатга ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2023 йил 16 майдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 5 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2023 йил 05 июль кунги ажримига кўра ўталмай қолган 3 йил 3 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақини 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, Дўстлик тумани, Бунёкор МФЙ, Х.Шоймардонов кўчаси 23/1-уйда яшайди.



Суд тақдимномани иш материаллари билан бирга ўрганиб, маҳкумнинг сўзини ва томонлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Маҳкум Каршибаев Маъруф Эргашевич жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг 2018 йил 28 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 57-моддасига асосан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2022 йил 22 февралдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 11 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш шарти билан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштарилган.

Маҳкум М.Каршибаев жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2023 йил 16 майдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 3 йил 5 ой 15 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 46-моддаси 4-қисмига асосан шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг 2023 йил 05 июль кунги ажримига кўра ўталмай қолган 3 йил 3 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Маҳкум М.Каршибаев Дўстлик туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳи ҳисобига 2023 йил 12 июль куни олинган.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 2023 йил 21 сентябрдан 2026 йил 03 февраль кунига қадар 2 (икки) йил 3 (уч) ой 12 (ўн икки) куни ўталган, ўталмаган жазо муддати 1 (бир) йил 14 (ўн тўрт) кунни ташкил этади.

Судда сўралган Дўстлик туман ИИБ Пробация гуруҳи катта инспектори М.Халилов тақдимномани қўвватлаб, маҳкум М.Каршибаев ахлоқан тузалиш йўлига ўтганлигини, Дўстлик туманидаги “Уфқдаги сарой” МЧЖда ишчи бўлиб ишлаб келишини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, ишда ўзини яхши томондан кўрсатганлигини, жазони ўташ даврида иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб келганлигини ва ҳозирги кунда қилмишидан пушаймонда эканлигини баён қилди.

Судда сўралган маҳкум М.Каршибаев содир қилган жиноятдан чин кўнгилдан пушаймонда эканлигини, келгусида бошқа жиноят содир этмаслигини, ҳозирги кунга қадар фойдали меҳнат билан шуғулланиб келаётганлигини билдириб, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 73-моддасининг 2-қисмида жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари ёки ахлоқ тузатиш ишлари сиқасидаги жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини



бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларга нисбатан қўлланилиши, шу модданинг 3-қисми “в” бандида эса ўта оғир жинояти учун, суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан уч қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд юқоридаги қонун талабига кўра, М.Каршибаевни жазони ўташ даврида бошқа жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаганлигини, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлганлигини ва унинг суд тайинлаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг тўртдан уч қисмини ўтаб бўлганлигини инobatга олиб, жазонинг ўталмаган қисмидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536, 541 ва 542-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Дўстлик туман ИИБ бошлиғи подполковник Ғ.Маматқуловнинг маҳкум Каршибаев Маъруф Эргашевични тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисмидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Каршибаев Маъруф Эргашевич ўталмаган 1 (бир) йил 14 (ўн тўрт) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 73-моддаси 3-қисми “в” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

Маҳкум М.Каршибаевга жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилганлиги қайд қилинсин.

Ажрим ижроси Дўстлик туман ИИБ ЖХХ Пробация гуруҳига юклатилсин.

Ажримдан норози тарафларга ажрим эълон қилинган кундан, маҳкумга ажрим нусхасини олган кундан бошлаб, олти ой муддат ичида кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест келтиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

Л.Қодирқулов

